

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03.30.01.2021.I.16.03 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЮСУФАЛИЕВ ОЛИМЖОН АБДУРАХМОНОВИЧ

**АҲОЛИ ФАРОВОНИЛГИНИ ОШИРИШДА ТАДБИРКОРЛИК
ФАОЛИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.01 – Иқтисодиёт назарияси

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022 йил

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of dissertation the abstract Doctor of Philosophy (PhD)
in economics sciences**

Юсуфалиев Олимжон Абдурахмонович Аҳоли фаровонлигини оширишда тадбиркорлик фаолиятидан фойдаланишни такомиллаштириш	3
Юсуфалиев Олимжон Абдурахмонович Совершенствование использования предпринимательской деятельности при повышении благосостояния населения.....	29
Yusufaliyev Olimjon Abdurakhmonovich Improving the use of entrepreneurship activity while enhancing welfare of the population	55
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	60

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03.30.01.2021.I.16.03 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮСУФАЛИЕВ ОЛИМЖОН АБДУРАХМОНОВИЧ

**АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШДА ТАДБИРКОРЛИК
ФАОЛИЯТИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.01 – Иқтисодиёт назарияси

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/Iqt820 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гулистон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Гафуров Убайдулло Вахабович
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Расулов Алишер Файзиевич
иктисодиёт фанлари доктори, профессор

Алляяров Шамсиддин Амануллаевич
иктисодиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03.30.01.2021.I.16.03 рақамили илмий кенгашнинг 2022 йил «_____» соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-йи. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 233-60-01; e-mail: tsue@tsue.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-йи. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-28-72; e-mail: tsue@tsue.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «_____» куни тарқатилди.
(2022 йил «_____» даги _____ - рақамили реестр баённомаси).

Г.К. Абдураҳмонова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Б.Д. Хажиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Н.М. Махмудов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати марказида аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини ошириш масалалари туради. Бугунги қунга қадар шаклланиб келган назариялар умумий ҳолда тадбиркорликнинг ривожланиши аҳоли фаровонлиги даражасининг ошишига имкон яратади, деган ғояни илгари суради. Шунга кўра, аксарият мамлакатларда тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратиш, уни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш ва рағбатлантиришга эътибор қаратилади. Бироқ, айрим тадқиқотлар шуни кўрсатадики, мамлакатда тадбиркорлик фаолиятининг кенгайиши ва бунинг натижасида иқтисодий ўсишнинг юксалиши ҳар доим ҳам тегишли равишда аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига олиб келмайди. Жумладан, “сўнгти ўн йиллик давр учун ҳисобланган ЯИМ ва аҳолининг ихтиёридаги реал пул даромадлари динамикаси ўртасидаги корреляция Грецияда 0,90, Исландияда 0,87, ЖАРда 0,85, Португалияда 0,78, Европа Иттифоқи мамлакатларида 0,46 га тенг бўлган”¹. Бу эса, тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг аҳоли фаровонлиги даражасининг ўсиши билан узвий боғлиқликда боришини таъминлаш амалиётига заруратни кучайтиради.

Жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва мутахассислари томонидан тадбиркорлик фаолиятининг аҳоли фаровонлигига таъсири борасида қўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, тадбиркорлик фаолиятининг инновацион шаклларини ривожлантириш, тадбиркорликнинг ижтимоий функциясининг кучайиши, ижтимоий тадбиркорлик кенгайишининг аҳоли фаровонлигига таъсири, аҳоли фаровонлиги тушунчаси мазмунидаги ўзгаришлар, аҳоли фаровонлиги даражасини баҳолашда қўп омилли ёндашувлар, иқтисодиётнинг драйвер соҳа ва тармоқларини ривожлантириш орқали фаровонликни ошириш каби йўналишларда тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда инсон манфаатларини рўёбга чиқариш, унинг эҳтиёжларини юксак даражада қондириш, имкониятларидан тўлиқ фойдаланиши учун барча шарт-шароитларни яратиш амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг пиравард мақсадини ташкил этади. Шунга кўра, бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий йўналишларда белгиланаётган чора-тадбирлар аҳоли фаровонлигини янада оширишга имкон яратмоқда. Жаҳон миқёсидаги мураккаб жараёнларни ва мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт натижаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда кейинги йилларда “Инсон қадри учун” тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш, иқтисодиёт тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш, инсон хуқуqlари ва манфаатларини сўзсиз таъминлаш

¹ Николаев И. Почему растет ВВП и не растут доходы населения.
<https://www.vedomosti.ru/opinion/articles/2017/07/06/711128-pochemu-rastet-vvp>

ҳамда фаол фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди². Аҳоли фаровонлигига таъсир қўрсатувчи кўплаб омиллар қаторида иқтисодиёт етакчи тармоқларининг ривожлантирилиши, улардаги иқтисодий салоҳиятдан тўлиқ ва самарали фойдаланиш муҳим ўрин тутади. Шунингдек, аҳолининг турмуш фаровонлиги у томондан олинаётган даромадлар даражаси, улар орқали ҳаётий неъматларга бўлган эҳтиёжларни қондириш имкониятлари, меҳнат шароити ва тавсифи, иш вақти ва бўш вақт нисбати, турар жой шароити ва қиймати, турли кўринишдаги майший ва бошқа хизматлар билан таъминланганлик орқали ифодаланади. Шунга кўра, аҳоли фаровонлиги даражаси, унинг манбалари ва таркибий тузилиши ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг асосини ташкил этиши, уни такомиллаштириб боришга доимий зарурат мавжудлиги каби ҳолатлар ушбу жараённинг назарий жиҳатларини тадқиқ этишга қаратилган тадқиқот ишлари мунтазам тарзда олиб борилишини ва унинг ривожини таъминловчи илмий асосланган янги йўналишларни яратилишини тақозо этиб, мазкур тадқиқот ишининг мавзуси долзарб илмий ва амалий аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2021 йил 15 сентябрдаги ПФ-6314-сон “Тадбиркорлик субъектлари учун маъмурий ва солиқ юкини янада камайтириш, бизнеснинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 14 майдаги ПФ-5718-сон “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 11 апрелдаги ПФ-5409-сон “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 27 июлдаги ПФ-5490-сон “Тадбиркорлик субъектларининг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ-5583-сон “Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизmlарини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2020 йил 8 июндаги ПҚ-4742-сон “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 17 августдаги ПҚ-3225-сон “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасини ташкил этиш тўғрисида”ги, 2017 йил 1 февралдаги ПҚ-2750-сон “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини қўрсатиш механизmlарини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида. 2022 йил 28 январь, ПФ-60-сон. – www.lex.uz

тўғрисида”ти қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-хуқукий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва хуқукий жамиятни маънавий-аҳлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Аҳоли фаровонлиги даражаси, унинг манбалари ва таркибий тузилишининг назарий ва услубий масалаларини тадқиқ этишга А.Смит, Л.Вальрас, К.Менгер, У.Жевонс В.Парето, А.Пигу, Ж.Гобсон, Ж.М.Кейнс, К.Эрроу, А.Бергсон, П.Самуэльсон, Р.Титмус, Э.Хансен, Г.Мюрдаль, С.Лейден, Д.Нейл, Ж.Гэлбрейт, Ж.Бьюкенен ва бошқа бир қатор иқтисодчи олимлар катта ҳисса қўшганлар.

Ўзбекистонда аҳоли фаровонлиги даражаси, унинг манбалари ва таркибий тузилиши муаммолари иқтисодчи олимларидан Қ.Х.Абдурахмонов, Х.П.Абулқосимов, Т.М.Ахмедов, А.В.Ваҳобов, Н.М.Ибрагимова, Н.Г.Муминов, Х.С.Мухиддинов, Н.И.Рустамов, Р.Р.Хасанов, М.Шарифхўжаев, Ш.Шодмонов, А.Ўлмасов, У.В.Фафуров ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида кенг ўрганилган³.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Гулистон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади аҳоли фаровонлигини оширишда тадбиркорлик фаолиятидан фойдаланишни такомиллаштириш юзасидан илмий ва амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

аҳоли фаровонлиги тушунчасининг мазмунини тараққиётнинг ҳозирги босқичи нуқтаи-назаридан кўриб чиқиш ва таҳлил қилиш;

аҳоли фаровонлиги даражасини белгиловчи ва ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ўрганиш;

³ К.Х.Абдурахманов и др. Формирование и совершенствование политики занятости населения в малом бизнесе и частном предпринимательстве. // Монография — Т.: «IQTISODIYOT», 2013—272 с.; Абулқасимов Х.П., Э.О.Бегжанов, И.В. Богомазова, Я.Ю.Бондарева, Муминов Н.Г.и др. Регулирование деятельности субъектов малого предпринимательства в начале XXI века: мировой опыт: коллективная монография. - Томск: Издательский Дом Томского государственного университета, 2020. – 332 с.; Рустамов Н.И. Аҳоли турмуш даражаси ва Ўзбекистонда уни ошириш имкониятлари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиилар” илмий электрон журнали. № 5, сентябрь-октябрь, 2015.; Мухиддинов Х.С. Худуд ахолиси турмуш даражасини ошириш ва ижтимоий ривожланишини моделлаштириш. Монография. Т.: “ФАН”, 2009.; Ахмедов Т.М. и др. Методологические вопросы разработки долгосрочной стратегии повышения уровня жизни населения Узбекистана: монография. – Т.: «NISO POLIGRAF», 2019 – 162 с.; Ўлмасов А., Ваҳобов А.В. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. - Т.: «Шарқ», 2013. - 480 бет.; Шодмонов Ш., Faфуров У. Иқтисодиёт назарияси. – Дарслик. Т., “Фан ва технологиялар”, 2010 – 740 б.

аҳоли фаровонлиги даражасига таъсир қилувчи омиллар ва уни таъминлаш манбаларини очиб бериш;

аҳоли фаровонлиги даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва уларни баҳолашнинг услугий масалаларини тадқиқ этиш;

аҳоли фаровонлигини оширишда тадбиркорлик фаолиятидан фойдаланишнинг ҳозирги ҳолатини баҳолаш;

аҳоли фаровонлигини ошириш ва тадбиркорлик фаолияти ривожланиши ўртасидаги боғлиқликнинг услугий асосларини тадқиқ этиш;

Ўзбекистонда аҳоли фаровонлиги даражасини янада оширишнинг асосий йўналишлари ва муҳим чора-тадбирларини белгилаш юзасидан илмий таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг обьекти Ўзбекистондаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти ҳамда аҳоли фаровонлигини таъминлаш жараёнлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини аҳоли фаровонлигини оширишда тадбиркорлик фаолиятидан фойдаланиш жараёнида вужудга келувчи иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, монографик баён усули, мантиқий ва иқтисодий-статистик таҳлил, таққослаш, статистик маълумотларни гуруҳлаш, эксперт баҳолаш, илмий абстракциялаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

аҳоли фаровонлигини оширишда фаровонликнинг турли (шахс, оила, худуд, миллий) қамров даражаларида намоён бўлувчи эҳтиёжларнинг хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда уларни нисбатан самарали ва тўлароқ қондириш имконини берувчи тадбиркорлик шакллари таркибий тузилмасини такомиллаштириш таклифи асосланган;

худудлар ижтимоий-иктисодий ривожланиш дастурларини тадбиркорлик фаолияти ривожланиши ҳамда аҳоли фаровонлигидаги ўзгаришлар даражасининг ўзаро мувофиқлигини баҳолаш услуги орқали аниқланган фойдаланилмаётган имкониятлар ва ўсиш нуқталарини киритиш асосида такомиллаштириш таклифи ишлаб чиқилган;

худудларда тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилаётган бизнес-режаларнинг муҳим талабларидан бири сифатида уларнинг бевосита аҳоли фаровонлигини оширишни таъминлашга қаратилиши, таркибий қисмларига амалдаги молиявий-иктисодий кўрсаткичлар билан бир қаторда аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга оид қўшимча кўрсаткичларнинг киритилиши асосланган;

тадбиркорлар томонидан ўз билим ва тажрибаларини “янги авлод”га ўтказиш жараёнининг устун равишда вертикал йўналишда ва “кичик ҳалқа” доирасида амалга оширилиши назарий асосланиб, мазкур амалиёт “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимига киритилган шахслар ҳисобига “катта ҳалқа” доирасига ўтказилганда уларга нисбатан олдиндан белгилangan ҳолатларда “устуворлик иммунитети”ни қўллаш таклифи ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қўйидагилардан иборат:

аҳоли фаровонлиги тушунчасининг иқтисодий мазмуни ва уни белгиловчи асосий жиҳатлар аниқланган ва муайян тизимга солинган;

аҳоли фаровонлиги даражасига таъсир қўрсатувчи омилларнинг тавсифи очиб берилган;

аҳоли фаровонлиги даражасини баҳолашнинг илмий-услубий асослари ўрганилган ҳамда тараққиётнинг ҳозирги босқичи хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштирилган;

аҳоли фаровонлигининг мазмунига турлича назарий қарашларнинг шаклланиши ва ривожланиши жараёнлари тадқиқ этилиб, бу борадаги асосий назариялар муайян тизимга солинган ва шарҳлаб берилган;

фаровонлик тушунчасига оид мавжуд таърифлар қиёсий таҳлил қилиниб, уларни ўзаро таққослаш асосида фаровонликнинг асосий таркибий қисмлари тизимли баён этилган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган назарий қоидалар, илмий ёндашув ва тадқиқот усулларининг жаҳон ва миллий даражадаги ўтказилган тадқиқот натижаларига мувофиқлиги, маълумотларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва бошқа ташкилотларнинг статистик маълумотларидан олингани ҳамда ишлаб чиқилган хулоса ва таклифларнинг мутасадди идоралар томонидан амалиётга жорий қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти асосий таклиф ва тавсиялардан аҳоли фаровонлигини оширишда тадбиркорлик фаолиятидан самарали фойдаланишга оид тадқиқотларнинг илмий-услубий аппаратини такомиллаштириш ҳамда мавзуга оид маҳсус илмий-тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг амалий аҳамияти унда шакллантирилган илмий таклифлар ва амалий тавсиялардан миллий ва ҳудудий даражада аҳоли фаровонлигини оширишда тадбиркорлик фаолиятидан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқиладиган дастурий хужжатларда, аҳоли фаровонлигини ошириш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш қаратилган бўйича самарали чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Аҳоли фаровонлигини оширишда тадбиркорлик фаолиятидан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий-услубий таклиф ва тавсиялар асосида:

аҳоли фаровонлигини оширишда фаровонликнинг турли (шахс, оила, ҳудуд, миллий) қамров даражаларида намоён бўлувчи эҳтиёжларнинг хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда уларни нисбатан самарали ва тўлароқ қондириш имконини берувчи тадбиркорлик шакллари таркибий тузилмасини такомиллаштириш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича

дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни мониторинг қилиш бошқармаси томонидан “Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари”ни шакллантиришда фойдаланилган (Савдо-саноат палатасининг 2022 йил 11 августдаги 01/02-17-8058-сон маълумотномаси). Ушбу илмий таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида худудлардаги тадбиркорлик шаклларини таркиб топтириш жараёнларини тартибга солиш орқали аҳоли фаровонлигини оширишга таъсир кўрсатиш имконияти яратилган;

худудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини тадбиркорлик фаолияти ривожланиши ҳамда аҳоли фаровонлигидаги ўзгаришлар даражасининг ўзаро мувофиқлигини баҳолаш услуби орқали аниқланган фойдаланилмаётган имкониятлар ва ўсиш нуқталарини киритиш асосида такомиллаштириш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни мониторинг қилиш бошқармаси томонидан “Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари”ни шакллантиришда фойдаланилган (Савдо-саноат палатасининг 2022 йил 11 августдаги 01/02-17-8058-сон маълумотномаси). Ушбу илмий таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида вилоятлардаги тадбиркорлик фаолиятини ва аҳоли фаровонлиги даражасини ўзаро мувофик ҳолда ривожлантиришда мавжуд қўшимча имкониятлар ва ўсиш нуқталарини аниқлашга эришилган;

худудларда тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этилаётган бизнес-режаларнинг муҳим талабларидан бири сифатида уларнинг бевосита аҳоли фаровонлигини оширишни таъминлашга қаратилиши, таркибий қисмларига амалдаги молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар билан бир қаторда аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга оид қўшимча кўрсаткичларнинг киритилиши таклифидан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни мониторинг қилиш бошқармаси томонидан “Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари”ни шакллантиришда фойдаланилган (Савдо-саноат палатасининг 2022 йил 11 августдаги 01/02-17-8058-сон маълумотномаси). Ушбу илмий таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида худудлардаги тадбиркорлик фаолияти ҳамда аҳоли фаровонлиги натижалари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик даражаси кучайган;

тадбиркорлар томонидан ўз билим ва тажрибаларини “янги авлод”га ўтказиш жараёнининг устун равишида вертикал йўналишда ва “кичик ҳалқа” доирасида амалга оширилиши назарий асосланиб, мазкур амалиёт “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ахборот тизимига киритилган шахслар ҳисобига “катта ҳалқа” доирасига ўтказилганда уларга нисбатан олдиндан белгиланган ҳолатларда “устуворлик иммунитети”ни қўллаш таклифидан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича дастурларни ишлаб чиқиш ва

уларни мониторинг қилиш бошқармаси томонидан “Худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурлари”ни шакллантиришда фойдаланилган (Савдо-саноат палатасининг 2022 йил 11 августдаги 01/02-17-8058-сон маълумотномаси). Ушбу илмий таклифнинг амалиётга жорий қилиниши натижасида тадбиркорлик фаолиятига юқори билим ва малакага эга бўлган мутахассисларни жалб этиш, бу борадаги кўникма ва тажрибаларнинг янги авлодга ўтказилиш жараёнларини фаоллаштиришга имкон яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 147 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва илмий аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг республикада олиб борилаётган фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, обьекти ва предмети, унинг илмий янгиликлари ва амалий натижалари изоҳлаб берилган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «Аҳоли фаровонлиги ва тадбиркорлик фаолияти ривожланганлик даражалари ўртасидаги боғлиқликнинг илмий-услubий асослари» номли биринчи бобида аҳоли фаровонлиги ва унинг даражасига таъсир кўрсатувчи омиллар, аҳоли фаровонлигини таъминлашда тадбиркорлик фаолиятининг таъсирини ифодаловчи кўрсаткичлар, аҳоли фаровонлиги ва тадбиркорлик фаолияти ривожланганлик даражалари ўртасидаги боғлиқликни баҳолашнинг услubий масалалари тадқиқ этилган.

Илмий манбаларда таъкидланишича, “фаровонлик – аҳоли ҳаётининг ижтимоий-иктисодий шароитлари ва эҳтиёжларини қондириш тавсифи. ...Фаровонлик, даромадлар ва истеъмол билан бир қаторда, ўз ичига меҳнат ва турмуш шароитларини, иш вақти ва бўш вақтнинг ҳажми ва таркибий тузилишини, маданият ва таълим даражаси, соғлик, демография кўрсаткичларини ҳамда демографик ва экологик ҳолатни олади. Бозор иктисодиётига эга кўплаб мамлакатларда таълим, тиббиёт, ижтимоий хизмат

кўрсатишга харажатларнинг катта қисми молиялаштиришнинг жамоавий манбалари ҳисобига қопланади”⁴. Фаровонлик даражаси ишлаб чиқаришнинг ривожланганлигига боғлиқ бўлиб, бир вақтнинг ўзида унга таъсир кўрсатади.

Фаровонликнинг иқтисодий мазмунини очиб беришда унинг қамров жиҳатдан қуидаги турли даражаларни ажратиб олиш мумкин: аҳоли (ёки кишиларнинг муайян даражадаги групх)га татбиқан ишлатилиши унинг шахс (индивид) фаровонлиги, оила фаровонлиги, муайян худуд (минтақа) фаровонлиги, миллий фаровонлик.

Миллий фаровонликнинг мазмун-моҳияти, унинг ҳаракатлантирувчи кучлари ва даражасини ошириш омиллари иқтисодий тадқиқотларнинг дикқат марказида бўлган. Аҳоли фаровонлиги бўйича аксарият мавжуд назарий қарашларнинг илмий таҳлили ва улар бўйича хulosаларга таянган ҳолда, аҳоли фаровонлигини таъминловчи асосий жиҳатлар таркибида тадбиркорлик фаолиятининг ўзак омил сифатидаги таъсири ётади, деган илмий фаразни илгари суриш мумкин. Табиийки, фаровонлик ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланганлик даражаси ва иқтисодий муносабатларнинг тавсифига бевосита боғлиқ. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланганлик даражаси қанчалик юқори бўлса, аҳолининг фаровонлиги шунчалик тез кўтарилади.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларга асосланган ҳамда уларни умумлаштирган ҳолда, аҳоли фаровонлигининг жамиятдаги тадбиркорлик фаолияти ривожланганлик даражаси билан боғлиқлиги тўғрисидаги назарий қарашлар бўйича шахсий муаллифлик ёндашувини қуидагича ифодалаш мумкин: **бозор иқтисодиёти шароитида фаровонликнинг асосий омилларидан бири – бу тадбиркорлик фаолияти бўлиб, мазкур фаолият ташкил топиши ва ривожланишининг объектив қонуниятлари тўла таъминланган шароитда жамиятда фаровонлик ўзининг юқори даражасига эришади.**

Тадбиркорлик фаолиятининг жуда кенг ва кўп тармоқли жараён эканлигини ҳисобга олиб, мазкур тадқиқот доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳоли фаровонлиги билан ўзаро боғлиқлиги масалаларини тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, юқорида таъкидлаб ўтилган фаровонликнинг турли (шахс, оила, худуд, миллий) қамров даражаларида эҳтиёжлар мазмунан ўзаро фарқ қилиб, уларни ҳал этишга нисбатан мос келувчи тадбиркорлик шаклларини ҳам тўғри танлаш муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатнинг ҳар бир худудидаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга мутассади ташкилот ва идоралар (масалан, маҳаллий ҳокимиёт органлари, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Савдо-саноат палатасининг ҳудудий бошқармалари ва бошқалар) томонидан ўз ҳудудидаги аҳоли турмуш даражасини ошириш билан боғлиқ муаммо ва имкониятларни ўргангандай ҳолда, уларни ҳал этишга кўпроқ мос келувчи тадбиркорлик шаклларини ташкил этиш ва ривожлантириши мумкин (1-жадвал).

⁴ Манба: <http://abc.informbureau.com/html/aeaaininoissiea.html>


1-жадвал

Фаровонликнинг турли қамров даражаларида намоён бўлувчи эҳтиёжларга нисбатан мос келувчи тадбиркорлик шакллари⁵

Фаровонлик даражалари	Муайян фаровонлик даражаси орқали намоён бўлувчи эҳтиёжларнинг ўзига хос хусусиятлари	Нисбатан мос келувчи тадбиркорлик шакли
Шахс (индивид) фаровонлиги	<i>Асосан якка тартибдаги, истеъмол тавсифидаги эҳтиёжлар орқали ифодаланиб, фаровонликнинг нисбатан тор таркибий қисмлари билан чекланади.</i>	Якка тартибдаги тадбиркорлик
Оила фаровонлиги	<i>Асосан якка ва оилавий-гурухий тартибдаги эҳтиёжлар орқали ифодаланади. Истеъмол тавсифидаги эҳтиёжлар билан бир қаторда маълум даражасада шилаб чиқариши тавсифидаги эҳтиёжларни ҳам тақозо этади.</i>	Оилавий тадбиркорлик, оилавий корхона, дехқон хўжалиги
Муайян худуд (минтақа) фаровонлиги	<i>Муайян ҳудуднинг географик жойлашуви, табиий-иқлимий хусусиятлари, ихтисослашуви, мамлакат ижтимоий меҳнат тақсимотидаги ўрни, тарихий-этнографик ва бошқа омиллардан келиб чиқсан ҳолда фаровонлик даражаси ва унинг шаклланиши тавсифи фарқланиши мумкин.</i>	Маҳаллий аҳамиятдаги (маҳалла, туман, вилоят даражасидаги) турли корхона ва ташкилотлар, уларнинг кооперацияси
Миллий фаровонлик	<i>Моддий, ижтимоий ва маънавий неъматлар билан таъминланганликнинг яхлит мамлакат даражасидаги ифодаси бўлиб, фаровонликнинг бошқа даражалари намоён этмайдиган нисбатан кенг таркибий қисмлар (миллий хавфсизлик, қулай демографик ва экологик ҳолат, маданият ва таълим ва ҳ.к.)ни қамраб олиши билан тавсифланади.</i>	Миллий иқтисодиёт аҳамиятидаги корхона ва ташкилотлар

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан хулоса қилиш мумкинки, аҳоли фаровонлигини оширишда кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятидан фойдаланишининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, уларнинг имкон қадар тўлиқ инобатга олиниши пировардида аҳоли фаровонлиги даражасини юксалтиришга сезиларли таъсир кўрсатади.

Миллий иқтисодиёт ва ҳудуд даражасида тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг аҳоли фаровонлигига таъсирини баҳолаш бўйича услубий ёндашувнинг илмий фарази шакллантириб олинди (1-расм).




1-расм. Тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг аҳоли фаровонлигига таъсирини баҳолаш услубининг умумий чизмаси⁶.

⁵ Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

⁶ Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Диссертация ишида хорижий мамлакатларда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишини баҳолашда қўлланилган кўплаб услубий ёндашувлар ўрганиб чиқилди⁷.




2-расм. Тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг аҳоли фаровонлигига таъсирини баҳолаш услубининг блок ва босқичлари⁸.

⁷ Жумладан: Сенченко Е.В. Анализ показателей развития предпринимательства: общероссийский аспект. - <https://cyberleninka.ru/article/n/analiz-pokazateley-razvitiya-predprinimatelstva-obscherossiyskiy-aspekt>; Кошелева Т.Н. Анализ развития малого и среднего предпринимательства Ленинградской области. // Экономические проблемы регионов и отраслевых комплексов. - С.247. - <https://cyberleninka.ru/article/n/analiz-razvitiya-malogo-i-srednego-predprinimatelstva-leningradskoy-oblasti>; Чечуева А.В. Развитие малого предпринимательства в Псковской области в 2010-2013 гг. // Вестник ПсковГУ. Серия «Экономические и технические науки». 5/2014. - <https://cyberleninka.ru/article/n/razvitie-malogo-predprinimatelstva-v-pskovskoy-oblasti-v-2010-2013-gg>; Савель-ева И.П., Мартиросян Л.Б. Малое и среднее предпринимательство Челябинской области: анализ состояния и перспективы развития // Вестник ЮУрГУ, № 22, 2012. – С.156-161. - <https://cyberleninka.ru/article/n/maloe-i-srednee-predprinimatelstvo-chelyabinskoy-oblasti-analiz-sostoyaniya-i-perspektivy-razvitiya>; Меньщикова В.И., Саяпин А.В., Черкасов В.А. Оценка вклада малого предпринимательства в экономику региона (на материалах Тамбовской области) // Социально-экономические явления и процессы. - Т.11, №3, 2016. - С.83-88. - <https://cyberleninka.ru/article/n/otsenka-vklada-malogo-predprinimatelstva-v-ekonomiku-regiona-na-materialah-tambovskoy-oblasti>; Филиппов Д.В. Методика оценки уровня развития предпринимательства в регионе // Государственное управление. Электронный вестник. Выпуск №36. Февраль 2013 г. – С.254. - http://ejournal.spa.msu.ru/uploads/vestnik/2013/vipusk_36._fevral_2013_g./gosudarstvennoe Regionalnoe_i_munizipalnoe_upravlenie/36_2013filippov.pdf

Мазкур услубий ёндашувларнинг афзалик ва камчилик жиҳатларини танқидий ўрганган ҳолда тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг аҳоли фаровонлигига таъсирини баҳолашнинг муаллифлик услуби ишлаб чиқилди (2-расм).

Диссертациянинг «Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятининг аҳоли фаровонлиги даражасига таъсири ҳолати» номли иккинчи бобида аҳоли фаровонлигини таъминлашда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ омилларнинг ўрни, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш чоратадбирларининг аҳоли фаровонлигини оширишга таъсири, аҳоли фаровонлиги ва тадбиркорлик фаолияти ривожланганлик даражалари ўртасидаги боғлиқлик даражаси масалалари тадқиқ этилган.

Тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг аҳоли фаровонлигига таъсирини баҳолаш услубининг дастлабки босқичида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик” номли статистик тўпламидаги маълумотлар таркибидан эксперт-сўровнома орқали қўйидаги учта асосий груп кўрсаткичлари танлаб олинди: 1) ишлаб чиқариш (реал) секторига оид кўрсаткичлар; 2) хизмат кўрсатиш секторига оид кўрсаткичлар; 3) билвосита тавсифдаги кўрсаткичлар. Ушбу кўрсаткичларининг аҳоли фаровонлигини ифодаловчи асосий жиҳатларига таъсир даражаси ва йўналиши чизмаси расмда келтирилган (3-расм).



Изоҳ: — бевосита таъсир
- - - - - билвосита таъсир

3-расм. Тадбиркорлик фаолияти ривожланиши кўрсаткичларининг аҳоли фаровонлигини ифодаловчи асосий жиҳатларига таъсир даражаси ва йўналиши⁹.

⁸ Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

⁹ Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Кейинги босқичда тадбиркорлик фаолияти бўйича танлаб олинган қўйидаги кўрсаткичларнинг мамлакат бўйича тегишли кўрсаткичлардаги улуши ва хусусий рейтинг баҳолари аниқланди:

- 1) ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари (ишлар, хизматлар) ҳажмидаги улуши;
- 2) ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг умумий ҳажмидаги улуши;
- 3) бажарилган қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши;
- 4) асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмидаги улуши;
- 5) чакана савдо айланмаси ҳажмидаги улуши;
- 6) бозор хизматлар ҳажмидаги улуши;
- 7) автомобиль транспортида юк ташиш ҳажмидаги улуши;
- 8) автомобиль транспорти юк айланмасидаги улуши;
- 9) автомобиль транспортида йўловчи ташиш ҳажмидаги улуши;
- 10) автомобиль транспорти йўловчи айланмасидаги улуши;
- 11) товарлар ва хизматлар экспортидаги улуши;
- 12) иқтисодиётда банд бўлганлар сонидаги улуши.

Худудлардаги алоҳида кўрсаткичларнинг улушлари асосида шакллантирилган рейтинг тўлиқ ва асосли маълумот бермаслиги сабабли ҳар бир ҳудуд бўйича аниқланган барча хусусий рейтингларнинг ўртача арифметик қийматини ҳисоблаш орқали уларнинг умумий рейтингини аниқланди (2-жадвал).

2-жадвал

Худудлардаги КБХТнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича рейтинги¹⁰

Худудлар	1-рей-тинг	2-рей-тинг	3-рей-тинг	4-рей-тинг	5-рей-тинг	6-рей-тинг	7-рей-тинг	8-рей-тинг	9-рей-тинг	10-рей-тинг	11-рей-тинг	12-рей-тинг	Уму-мийрей-тинг
Қорақал. Рес-си	12	7	8	12	8	13	10	8	4	3	14	11	9,2
Андижон	10	3	1	3	6	7	2	11	6	10	6	3	5,7
Бухоро	8	4	13	11	12	5	8	10	2	11	9	10	8,6
Жиззах	3	1	2	2	4	9	1	1	5	2	4	5	3,3
Қашқадарё	13	2	10	14	1	6	9	9	9	9	10	8	8,3
Навоий	14	8	12	13	7	11	14	14	13	14	13	13	12,2
Наманган	1	9	3	6	5	8	7	4	1	4	1	2	4,3
Самарқанд	4	12	4	1	10	4	5	3	11	12	2	1	5,8
Сурхондарё	5	5	9	8	3	2	11	7	10	8	5	6	6,6
Сирдарё	6	10	5	9	2	12	4	2	3	1	3	9	5,5
Тошкент	11	13	11	10	11	1	13	12	12	5	11	12	10,2
Фарғона	7	11	6	5	9	3	6	5	8	7	8	7	6,8
Хоразм	9	6	7	4	13	10	3	6	7	6	7	4	6,8
Тошкент ш.	2	x	14	7	14	14	12	13	14	13	12	14	10,8

Жадвал маълумотлари асосида худудларнинг ушбу рейтингдаги ўринларини учта (юқори, ўрта ва паст) даражага ажратган ҳолда гурухланди (3-жадвал).

¹⁰ Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган.

3-жадвал

Ўзбекистон ҳудудларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ривожланганлиги жиҳатидан рейтинг кўрсаткичларини гурӯхлаш¹¹

Даража гурӯхлари	Ҳудуднинг рейтингдаги ўрни
Юқори даража (1-6)	Жиззах (3,3), Наманган (4,3), Сирдарё (5,5), Андижон (5,7), Самарқанд (5,8)
Ўрта даража (6,1-10)	Сурхондарё (6,6), Фарғона (6,8), Хоразм (6,8), Қашқадарё (8,3), Бухоро (8,6), Қорақалпоғистон Республикаси (9,2)
Паст даража (10-14)	Тошкент (10,2), Тошкент ш. (10,8), Навоий (12,2)

Жадвал маълумотларидан қўринадики, ҳудудларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг ривожланганлиги жиҳатидан рейтинг кўрсаткичлари жиҳатидан Жиззах (3,3), Наманган (4,3), Сирдарё (5,5), Андижон (5,7), Самарқанд (5,8) вилоятлари юқори ўринни қайд этган. Сурхондарё (6,6), Фарғона (6,8), Хоразм (6,8), Қашқадарё (8,3), Бухоро (8,6) вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси (9,2) ўрта даражадаги гурӯхни намоён этган бўлса, Тошкент вилояти (10,2), Тошкент шаҳри (10,8), Навоий вилояти (12,2) нисбатан паст даражани намоён этган.

Мамлакат аҳолиси фаровонлиги энг аввало аҳоли даромадлари кўрсаткичлари орқали ифодаланади (4-жадвал).

4-жадвал

Ўзбекистонда аҳоли даромадлари тўғрисида маълумот¹²

Кўрсаткичлар	2016	2017	2018	2019	2020
Аҳоли умумий даромадлари, млрд. сўм	197962,4	236893,1	300842,7	365735,6	415085,0
ўтган йилга нисбатан, % да	116,9	119,7	127,0	121,6	113,5
Аҳоли жон бошига умумий даромадлар, минг сўм	6215,9	7314,1	9128,6	10891,3	12125,6
ўтган йилга нисбатан, % да	114,9	117,7	124,8	119,3	111,3
Аҳоли реал умумий даромадлари, млрд. сўм	187517,7	216400,1	255971,0	319336,1	367559,6
ўтган йилга нисбатан, % да	110,7	109,3	108,1	106,1	100,5
Аҳоли жон бошига реал умумий даромадлар, минг сўм	5887,9	6681,4	7767,0	9509,6	10737,3
ўтган йилга нисбатан, % да	108,8	107,5	106,2	104,2	98,6

Жадвал маълумотларидан қўринадики, аҳоли умумий даромадлари 2016 йилдаги 197962,4 млрд. сўмдан 2020 йилда 415085,0 млрд. сўмга, яъни 209,7 фоизга ошган. Аҳоли жон бошига умумий даромадлар тегишли равишда 6215,9 минг сўмдан 12125,6 минг сўмга, яъни 195,1 фоизга ўсган. Аҳоли реал умумий даромадлари 2016 йилдаги 187517,7 млрд. сўмдан 2020 йилда 367559,6 млрд. сўмга, яъни 196,0 фоизга ошган. Аҳоли жон бошига реал

¹¹ Муаллиф хисоб-китоблари асосида тузилган.

¹² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида тузилган. Манба: www.stat.uz

умумий даромадлар, 2016 йилдаги 5887,9 млрд. сўмдан 2020 йилда 10737,3 млрд. сўмга, яъни 182,4 фоизга ўсган. Бундан кўринадики, аҳоли умумий даромадлари ўсиш суръатидан аҳоли жон бошига даромадлар ўсиш суръатининг нисбатан паст бўлғанлиги аҳоли сонининг нисбатан тезроқ ўсиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистонда аҳоли жон бошига тўғри келадиган энг муҳим озиқ-овқат товарлари бўйича истеъмол ҳажми муттасил ўсиб бормоқда, айни вақтда ноозик-овқат маҳсулотларни харид қилиш ва хизматлар учун тўланадиган сарф-харажатлар миқдорига муносиб равишда кўпаймоқда. Оиласарнинг узок муддат фойдаланишга мўлжалланган товарлар билан таъминланганлиги даражаси изчил равишда ошиб бормоқда (5-жадвал).

5-жадвал

Ўзбекистонда аҳолининг узок муддат фойдаланадиган буюмлар билан таъминланганлиги (100 та уй хўжалигига)¹³

Кўрсаткичлар номи	2016	2017	2018	2019	2020
Телевизорлар	153	154	155	160	162
Совутгич ва музлатгичлар	102	101	103	106	107
Кондиционерлар	34	34	35	39	40
Электр чангютгичлар	54	54	55	58	60
Шахсий компьютерлар	49	50	52	55	60
Кир ювиш машиналари	80	80	81	89	90
Мобил телефонлар	246	257	262	282	287
Енгил автомобиллар	43	44	44	47	49

Жадвал маълумотларидан кўринадики, таҳлил қилинаётган давр мобайнida аҳолининг узок муддат фойдаланадиган буюмлар билан таъминланганлиги даражаси турлича ўсмоқда. Жумладан, энг юқори ўсиш шахсий компьютерлар (122,4%), кондиционерлар (117,6%) ва мобил телефонлар (116,7%)га тўғри келса, энг паст ўсиш телевизорлар (105,9%), совутгич ва музлатгичлар (104,9%)га тўғри келган. Электр чангютгичлар 111,1%, кир ювиш машиналари 112,5%, енгил автомобиллар 114,0%га ўсган.

Тадқиқот жараёнида худудлар кесимида аҳоли фаровонлиги даражасидаги ўзгаришларни баҳолаш имконини берувчи, расмий статистик маълумотларга асосланган кўрсаткичларни танлаб олишда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами (2011-2020)” маълумотлари таркибидан имкон қадар худудлар кесимида маълумотлар тақдим этилган ҳамда аҳоли фаровонлиги даражасини ифодалай олиш хусусиятига эга бўлган кўрсаткичлар ажратиб олинди (6-жадвал).

¹³ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган. Манба: www.stat.uz

6-жадвал

Мамлакат ҳудудлари кесимида аҳоли фаровонлиги даражасидаги ўзгаришларни баҳолаш имконини берувчи кўрсаткичлар¹⁴

Статистик тўпламда келтирилган кўрсаткичлар	Кўрсаткичнинг аҳоли фаровонлиги даражасига боғлиқлиги
Чакана товар айланмаси умумий ҳажми, овқатланиш корхоналарини кўшган ҳолда	Аҳоли умумий даромадлари ва истеъмол даражасини билвосита ифодалайди
Янги қурилиш ва реконструкция ҳисобидан умумтаълим мактабларини ишга тушириш	Таълимнинг ривожланганлик даражасини билвосита ифодалайди
Янги қурилиш ва реконструкция ҳисобидан касалхона муассасаларини ишга тушириш	Соғлиқни сақлашнинг ривожланганлик даражасини билвосита ифодалайди
Янги қурилиш ва реконструкция ҳисобидан ишга туширилган сув қувури тармоқлари	Аҳолининг умумий яшаш шароитларини ифодалайди
Янги қурилиш ва реконструкция ҳисобидан ишга туширилган газ тармоқлари	
Аҳолига алоқа хизмати кўрсатишдан тушган тушум	
Уй-жой фондининг таҳсиланиши	
Барча манбалар ҳисобидан ишга туширилган уй-жойлар	
Қурилган квартиralар сони	
Бир киши ҳисобида аҳолининг уй-жой билан ўртacha таъминланганлиги	
Аҳоли томонидан ўз ҳисоби ва кредитлар ёрдамида якка тартибда курилиб, ишга туширилган уй-жойлар майдони	Аҳоли умумий даромадлари ва яшаш шароитлари даражасини билвосита ифодалайди

Муаллифлик баҳолаш услубиётига асосан юқоридаги танлаб олинган кўрсаткичларнинг аҳоли жон бошига қийматини аниқланди. Кейинги босқичда ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига ҳисобланган фаровонлик кўрсаткичларидаги ўзгаришларнинг олдинги йилга нисбатан ўсиш суръатлари аниқланади. Мазкур ўсиш суръатлари таҳлил даврида (2016-2020 йиллар) кескин тебранишларга дуч келгани ҳамда ушбу жараён ҳақида яхлит хулоса чиқариш имконияти чеклангани сабабли, уларнинг таҳлил даври йиллари бўйича ўртacha қийматини ҳисоблаб чиқилди.

Навбатдаги босқичда аҳоли фаровонлигини ифодаловчи кўрсаткичлар бўйича олдинги йилга нисбатан ўртacha ўсиш суръатлари асосида ўртacha геометрик қийматларини аниқланди. Мазкур тадқиқот ишида тавсия этилган услугга асосан, ҳудудлардаги ҳар бир кўрсаткич бўйича шакллантирилган барча хусусий рейтингларнинг ўртacha арифметик қийматини ҳисоблаш орқали уларнинг умумий рейтингини аниқланди (7-жадвал).

¹⁴ Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Ўзбекистон Республикаси йиллик статистик тўплами (2011-2020)” маълумотлари.

7-жадвал

Ҳудудларнинг аҳоли фаровонлигидаги ўзгаришлар даражаси бўйича рейтинги¹⁵

Ҳудудлар	1-рейтинг	2-рейтинг	3-рейтинг	4-рейтинг	5-рейтинг	6-рейтинг	7-рейтинг	8-рейтинг	9-рейтинг	10-рейтинг	11-рейтинг	Умумий рейтинг
Қорақал. Рес-си	4	7	7	9	2	12	9	7	6	4	10	7,0
Андижон	11	9	12	8	8	11	11	2	2	3	12	8,1
Бухоро	8	13	10	2	3	6	1	3	1	5	1	4,8
Жиззах	3	6	13	12	4	10	10	11	11	6	11	8,8
Қашқадарё	12	11	8	1	11	9	3	12	8	8	4	7,9
Навоий	13	8	4	10	14,0	8	4	8	4	9	3	7,7
Наманган	1	4	9	11	6	7	2	5	5	10	2	5,6
Самарқанд	9	14	5	13	7	4	6	14	14	11	9	9,6
Сурхондарё	14	2	14	4	13,0	13	13	10	10	14	14	11,0
Сирдарё	5	3	3	6	12	14	12	1	7	1	6	6,4
Тошкент	7	10	2	7	1	2	7	4	3	12	5	5,5
Фарғона	10	12	6	14	5	5	14	9	9	7	13	9,5
Хоразм	2	5	11	5	9	3	8	13	12	13	8	8,1
Тошкент ш.	6	1	1	3	10	1	5	6	13	2	7	5,0

Жадвал маълумотларидан кўринадики, ҳудудларнинг жамланма кўрсаткичлар бўйича умумий ўртача рейтинги 4,8 дан 11,0 гача бўлган оралиқни қамраб олган. Олдинги ўринлардаги сингари, ушбу рейтингдаги ҳудудлар эгаллаган ўринлари учта (юқори, ўрта ва паст) даражага ажратган ҳолда гурухлаб чиқилди (8-жадвал).

8-жадвал

Ўзбекистон ҳудудларининг аҳоли фаровонлигидаги ўзгаришлар даражаси бўйича рейтинг кўрсаткичларини гурухлаш¹⁶

Даражагурухлари	Ҳудуднинг рейтингдаги ўрни
Юқори даражага (1-6)	Бухоро (4,8), Тошкент ш. (5,0), Тошкент (5,5), Наманган (5,6)
Ўрта даражага (6,1-9,0)	Сирдарё (6,4), Қорақалпогистон Республикаси (7,0), Қашқадарё (7,9), Навоий (7,7), Андижон (8,1), Хоразм (8,1), Жиззах (8,8)
Паст даражага (9,1-11)	Фарғона (9,5), Самарқанд (9,6), Сурхондарё (11,0)

Бироқ, мазкур ёндашувнинг асосий мақсади аҳоли фаровонлиги даражасидаги ўзгаришларни аниқлаш билан кифояланмайди. Шунга кўра, навбатдаги босқичда аҳоли фаровонлиги даржасидаги ўзгаришлар тадбиркорлик фаолияти ривожланишидаги ўзгаришлар билан ўзаро такқосланди, яъни тадбиркорлик фаолияти ривожланиши ҳамда аҳоли фаровонлигидаги ўзгаришлар даражасининг ўзаро мувофиқлиги аниқланди (9-жадвал).

¹⁵ Муаллиф хисоб-китоблари асосида тузилган.

¹⁶ Муаллиф хисоб-китоблари асосида тузилган.

9-жадвал

Тадбиркорлик фаолияти ривожланиши ҳамда аҳоли фаровонлигидаги ўзгаришлар даражасининг ўзаро мувофиқлиги¹⁷

Худуд	Ўртача геометрик қиймат		Ўзаро мувофиқлик коэффициенти (ЎМКўд)	Мувофиқлик бўйича рейтингдаги ўрни
	Аҳоли фаровонлигидаги ўзгаришлар даражаси	Тадбиркорлик фаолияти ривожланишидаги ўзгаришлар даражаси		
Ўзбекистон Рес-си	104,3	113,9	0,916	-
Қорақал. Рес-си	119,5	117,5	1,016	4
Андижон	107,1	114,2	0,938	6
Бухоро	124,0	113,9	1,088	2
Жиззах	106,0	120,5	0,880	11
Қашқадарё	106,3	117,4	0,905	10
Навоий	73,3	115,3	0,636	14
Наманган	111,9	118,5	0,944	5
Самарқанд	103,3	112,0	0,922	8
Сурхондарё	94,8	118,5	0,800	13
Сирдарё	103,2	117,6	0,878	12
Тошкент	150,3	114,6	1,312	1
Фарғона	106,5	115,1	0,925	7
Хоразм	107,0	116,6	0,917	9
Тошкент ш.	121,6	112,3	1,083	3

Жадвал натижаларига асосан Ўзбекистон ҳудудларининг тадбиркорлик фаолияти ривожланиши ҳамда аҳоли фаровонлигидаги ўзгаришлар даражасининг ўзаро мувофиқлиги бўйича рейтинг қўрсаткичлари гурухланди (10-жадвал).

10-жадвал

Ўзбекистон ҳудудларининг тадбиркорлик фаолияти ривожланиши ҳамда аҳоли фаровонлигидаги ўзгаришлар даражасининг ўзаро мувофиқлиги бўйича рейтинг қўрсаткичларини гурухлаш¹⁸

Даражадарини гурухларни	Ҳудуднинг рейтингдаги ўрни
Юқори даражадар (1-5)	Тошкент (1), Бухоро (2), Тошкент ш. (3), Қорақалпогистон Республикаси (4), Наманган (5)
Ўрта даражадар (6-9)	Андижон (6), Фарғона (7), Самарқанд (8), Хоразм (9)
Паст даражадар (10-14)	Қашқадарё (10), Жиззах (11), Сирдарё (12), Сурхондарё (13), Навоий (14)

Диссертацияда аҳоли фаровонлиги ва тадбиркорлик фаолияти ривожланганлик даражалари ўртасидаги боғлиқлик даражаси тадқики

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

¹⁸ Муаллиф хисоб-китоблари асосида тузилган.

натижалари асосида ҳудудлар кесимида таҳлилларни амалга ошириш ҳамда мавжуд имкониятлар ва ўсиш нуқталаридан фойдаланиш борасида энг паст кўрсаткичларга эга бешта (Навоий, Сурхондарё, Сирдарё, Жиззах, Қашқадарё) вилоятлар бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Мазкур чора-тадбирларини қўйидаги асосий йўналишларга ажратиш мумкин:


аҳоли фаровонлигига таъсир кўрсатувчи муайян жараён ёки фаолиятга нисбатан эҳтиёжни аниқлаш;

аҳоли фаровонлигига таъсир кўрсатувчи муайян жараён ёки фаолиятни таъминлашни ҳудуд ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурига киритиш;

ушбу жараён ёки фаолиятни йўлга қўйиш ёки қўллаб-қувватлашда хусусий сектор ва тадбиркорлик субъектлари имкониятларидан фойдаланиш ва ҳ.к.

